

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР КОНЦЕПЦИЯСИНING ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ДЕПАРТАМЕНТИ

ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИ

С.Рустамов¹, Ш.Кушбоқов²

¹Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали Жиноят ҳуқуқий фанлар кафедраси в.б. мудири

²ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7541377>

Бугунги кунда юртимизда барча давлат органларида маъмурий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлат органларида маъмурий ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этишдир.

Маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябридаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон фармони қабул қилинди. Ушбу концепция ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларини замонавий талабларга жавоб берадиган институционал асослар ва ижро органлари фаолиятининг принциплари асосида ўтказилаётган ислоҳотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Концепция ижроси доирасида ижро органи ҳисобланган Жазони ижро этиш тизими фаолияти ҳам қайта ташкил этиш чоралари кўрилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони билан Жазони ижро этиш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти этиб қайта ташкил этилди.

Бундан ташқари, Жазони ижро этиш департаментида концепция белгиланган истиқболлар бўйича қуйидаги ишларни амалга оширилди:

биринчидан, Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябридаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон қарори билан “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепция”си қабул қилиниб тизим истиқболи белгилаб олинди;

иккинчидан, Ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш

бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти тўғрисида низом” тасдиқланиб Департаментнинг вазифа ва функциясини амалга ошириш механизмларини белгиланди. Шунингдек, Президенти девони — Вазирлар Маҳкамаси — ИИБ — Жазони ижро этиш департаменти – минтақавий мувофиқлаштириш марказлари –Жазони ижро этиш муассасалари таъсирчан тизими жорий этилди;

учинчидан, Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш йўналишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 128-сон қарори билан Жазони ижро этиш департаменти таркибий тузилмаси ҳисобланган Жазони ижро этиш муассасалари тадбиркорлик фаолияти билан мустақил шуғулланиш учун Жазони ижро этиш муассасаси юридик шахс мақоми берилди ва фаолиятини амалга ошириш учун ўз мустақил балансига, шахсий ғазна ҳисобварағига ва банк ҳисобварағига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрларга, шунингдек, ўз фаолиятини амалга ошириш учун муассасанинг номи ёзилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган бланкаларга эга бўлди.

Бундан ташқари, Жазони ижро этиш муассасалари ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда маҳкумлар меҳнатидан уларни ахлоқан тузатиш мақсадида фойдаланади ва ушбу жазони ижро этувчи муассасалар юридик шахс сифатида фуқаровий-ҳуқуқий муносабатга киришади. Жазони ижро этиш муассасалари фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларга киришишида тижоратчи ташкилот сифатида эмас нотижорат ташкилот сифатида иш фаолиятини олиб боради. Чунки маҳкумлар меҳнатидан фойда олиш учун эмас балки уларни ахлоқан тузатишни мақсад қилади.

тўртинчидан, Давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 445-сон қарори қабул қилди.

Ушбу қарор доирасида маҳкумларни «электрон назорат» қилишни таъминловчи ахборот технологияларини жорий этган ҳолда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш чоралари кўрилди. Булар қуйидагиларда иборат:

а) Жазони ижро этиш муассасаларини 2022 — 2024 йиллар давомида босқичма-босқич техник воситалар билан жиҳозлаш ва жазони ижро этиш тизими фаолиятини рақамлаштириш дастури ишлаб чиқилди;

б) қуйидагиларни назарда тутувчи Жазони ижро этиш тизими ходимларининг шахсий видеорегистраторлар (бодикамералар) билан таъминланган ҳолда хизматни

ўташ тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ушбу низом доирасида қуйидагилар белгиланди:

1. жазони ижро этиш муассасаларида шахсий таркибнинг хизматни ўташ давомида видеорегистраторлардан (бодикамералардан) фойдаланиш тартиби;

2. жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ва жазони ижро этиш муассасаси ходимлари ўртасидаги мулоқотни видеорегистраторлар (бодикамералар) орқали қайд этиш тартиби;

3. маҳкумлар томонидан содир этилган тартиббузарликлар жараёнида видеорегистраторлардан (бодикамералардан) фойдаланиш тартиби;

4. видеорегистраторлардан (бодикамералардан) фойдаланиш даврида хавфсизликни таъминлаш юзасидан қўйиладиган талаблар асосида иш фаолиятини олиб борадиган бўлди.

Шундай ижобий ишлар амалга оширилсада Жазони ижро этиш департаменти ижро органи сифатида қуйидаги муаммоларга дуч келмоқда:

биринчидан, Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш доирасида Жазони ижро этиш фаолиятини тартибга солувчи 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Жиноят-ижроия кодекси замон талабларига жавоб бермайди.

иккинчидан, Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш йўналишида Жазони ижро этиш муассасалар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мустақил бўлишганига қарамасдан тадбиркорлик орқали олинган фойданинг 50 фоизи Жазони ижро этиш департаменти қошидаги жамғармага берилади. Бу эса ўз қилган иши учун олинган фойдани ўзи қисман бошқара олмаслигига сабаб бўлади;

учинчидан, Давлат бошқаруви тизимга стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш йўналиши бўйича Жазони ижро этиш департаменти ва Ҳукумат томонидан замонавий технологиялар билан таъминланиш чоралари кўрилаётган бўлсада лекин жойларда яъни жазони ижро этиш муассасаларда замонавий технологиялар билан ишловчи мутахассислар мавжуд эмаслиги;

Фикримизча, Жазони ижро этиш департаменти фаолиятида маъмурий ислохатлани янада такомиллаштириш учун қуйидаги таклифларни беришни жоиз топдик. Жумладан:

биринчидан, Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш доирасида янги Жиноят-ижроия кодекси қабул қилиниши ва унда маҳкумларни бутун фаолияти қамраб олиниши зарур бўлса Жазони ижро этиш хизмати ходимлари фаолиятини тартибга солиш учун “Жазони ижро этиш хизмати” тўғрисидаги қонун қабул қилиниши зарур;

иккинчидан, Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш йўналишида Жазони ижро этиш муассасалар тадбиркорлик фаолиятида фақатгина товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш нархлари (тарифлари) ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарлари томонидан ушбу муассаса фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ мустақил белгилашидан ташқари олинган фойдани ўзи мустақил ишлатиш ҳуқуқи берилиб, назорати Жазони ижро этиш департаментига берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

учинчидан, Давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш йўналиши бўйича Жазони ижро этиш департаменти жазони ижро этиш муассасалари замонавий технологиялар билан ишловчи мутахассисларни саралаб олиш чораларини кўриши зарур.